



Халқ сўзи

Ўзбекистон - келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2010 йил 15 октябрь, № 200 (5115) Жума

Ўзбек пахтаси: Юқори сифат, юксак салоҳият

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ташкил этилган ва 13-14 октябрь кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган VI Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси мамлакатимизнинг жаҳон пахта бозорида етакчи ҳамкор эканлигини амалда яна бир бор исботлади.



Бахтиёр АКРАМОВ олган сурат.

Халқаро ярмарка иштирокчилари унинг иккинчи кунда мамлакатимиз пахтачилик тармоғида амалга оширилаётган ислохотлар самараларини бевосита жойларда кўриш имкониятига эга бўлдилар. Улар, хусусан, пахта хом ашёсини бирламчи қайта ишлаш,

тогани харидорларга етказиб бериш хизмати, шунингдек, калава ип тайёрлаш жараёни билан ақилдан танишдилар. Меҳмонлар шу аснода Ўзбекистонда нафақат хом ашё етиштириш, балки уни чуқур қайта ишлаш sanoati ҳам жадал ривожланиб бораётганига амин бўлганликларини эътироф этдилар.

Дарҳақиқат, юртимизда Президентимиз ташаббуси ва бевосита раҳбарлиги остида ўзимизда етиштирилган хом ашёни қайта ишлаш жамғири олиштиришга жиддий эътибор қаратилмоқда.



да йилига қарийб 400 минг тонна пахта толаси қайта ишланаётир. Устувор режага кўра, яқин келажакда ўзбек толасининг ярмидан кўпи республикамизнинг ўзида чуқур қайта ишланиши мўлжалланмоқда.

Хорижий давлатларнинг ижтимоий-сиёсий ва эксперт-таҳлилий доиралари ҳамда халқаро ташкилотлар вакиллари орасида Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислам Каримовнинг БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига (МРМ) бағишланган олий даражадаги ялпи мажлисида сўзлаган маърузаси юзасидан кенг муҳокама қилинган эди.

Президент Ислам Каримовнинг БМТ саммитидаги ташаббуслари халқаро ҳамжамият эътиборида

Франция Геосиёсат институти етакчи илмий ходими Пьер-Эммануэль Томанн (Бельгия) Президент Ислам Каримовнинг БМТнинг МРМ саммитидаги маърузасини диққат билан ўргангани ҳақида сўз юритаркан, бугунги кунда бутун Европада ҳам Афғонистонда юз бераётган воқеаларга алоҳида эътибор қаратилаётганини қайд этди. Унинг фикрича, Афғонистондаги вазиятнинг барқарорлашуви, бу — бутун Марказий Осиё минтақаси барқарорлигининг кафолатидир.

Афғон муаммосини фақатгина ҳарбий йўл билан ҳал этиш мумкин эмаслиги эндиликда ҳеч кимда шубҳа уйғотмаслиги аён. Бугунги кунда ушбу мамлакатда тинчлик ва барқарорликка эришишнинг муқобил йўллари излаш, БМТ шафелигида "6+3" мулоқот гуруҳини тузиш ва унга манфаатдор мамлакатларни жалб қилиш орқали вазиятни тинч йўл билан ҳал этиш зарур.

П. Томанн Марказий Осиё минтақасида барқарорликни сақлаш бўйича Ўзбекистон ўзига хос ўрин тутишини қайд этди. У шу йилнинг июни ойида Қирғизистон жанубида юз берган фожиалар пайтида фақатгина Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов томонидан оқилона ва энг тўғри йўл тутилганини тўғри айтиш мумкин. Афғонистоннинг минтақадан ташқари Афғонистоннинг Афғонистонни қайта тиклаш жараёнида бебаҳо ҳиссаси эканлигини қайд этди.

Дунё нигоҳи

муаммоларини, қашшоқлик, ҳуқуқсизликка қарши кураш бўйича энг долзарб вазифаларни ҳал этишга алоҳида эътибор берилиши кераклиги тўғрисидаги сўзлари Ўзбекистон раҳбарининг жафокаш афғон халқи бошидан кечираётган реал ҳолат, ички сиёсий аҳвол тўғрисида чуқур билим ва тушунарча эътибор ҳамда ушбу муаммоларнинг ечимини топишнинг энг маъқул йўлини кўра билишдан дарак беради.

А. Каргар фикрича, Президент Ислам Каримовнинг БМТнинг юқори минбаридан туриб сўзлаган маърузаси энг зарур ва айни ўз вақтидаги маъруза бўлди. Шунингдек, у Ўзбекистонлик мутахассислар томонидан амалга оширилаётган "Хайратон — Мозори Шариф" темир йўли қурилиши ишларининг боришини синчковлик билан кузатаётгани ва маъқул йўлчи Афғонистоннинг Афғонистонни қайта тиклаш жараёнида бебаҳо ҳиссаси эканлигини қайд этди.

Кеча пойтахтимизда "Art Week Style.uz — 2010" санъат ва мода ҳафталиги якуниланди. "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ташаббуси билан бешинчи бор ўтказилган маъруза нўфузли тадбирда, айтиш мумкинки, юртимиз маданияти ва миллий анъаналаримиз жаҳон миқёсида яна бир бор кенг намойиш этилди.

ДИЛЛАРНИ ТУТАШТИРГАН САНЪАТ АНЖУМАНИ

Кўплаб хорижий журналистлар ва санъатшунос мутахассисларнинг эътирофи эътишо, маъқул ҳафталик рангбаранг, ўзига хос маданий дастурлари, ёш истеъдодли ижодкорларни кашф этишга қаратилган.

«Art Week Style.uz — 2010»

ган қизиқарли тадбирлари билан дунё мода sanoati тараққиётига муносиб улуш қўшаётган йирик лойиҳалардан бирига айланди. Яна бир эътиборли томони шундаки, ҳафталик санъат ва мода соҳаси вакиллари ушбу жаҳонда эришилаётган ютуқ ҳамда янгиликлар билан яқиндан танишиш, фэйшн sanoati нинг таниқли намоёндалари билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш имконини берди. Зеро, бу галги тадбирда ҳам қатор халқаро ташкилотлар вакиллари, машҳур дизайнерлар, шоу-бизнес вакиллари, жаҳонда етакчи мода журналларининг ижодкорлари иштирок этди. Айниқса, Италиянинг "Salvatore Ferragamo" компанияси мутахассислари, Лондон мода коллежи

вакили Натали Браун, Токио мода ва дизайн коллежи директори Акира Ода, россиялик дизайнер Александр Ищенко каби тажрибали ижодкорлар бошчилигида ёш дизайнерлар учун ташкил этилган.

маҳорат дарслари катта қизиқиш уйғотди. — Бизнинг иждоий интилишларимизда бу каби сабоқларнинг аҳамияти катта, — дейди ёш дизайнер Нилуфар Ахмедова. — Дунёга машҳур мода брендлари муаллифларининг услуби ва тажрибаси билан яқиндан танишиш, уларнинг замонавий дизайн соҳасида қўлланилаётган янги аниқ усуллар ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини тинглаш барчамиз учун қизиқарли бўлди. Қолаверса, миллий либослар фестивалида намойиш этган тўпламларимизга хорижий меҳмонлар ижобий баҳо бериб, ўз мамлакатларида бўлиб ўтаётган мода кўргазмаларида ҳам хурсандмиз.

(Давоми 2-бетда).

Сўз — ярмарка иштирокчиларига

Сато АОУМИ, "Itochu" компаниясининг тўқимачилик департаменти бosh менежери (Япония):

— Узим шу соҳа вакили бўлганим учун дунё пахтачилик sanoatida янгиликлар билан доимо танишиб бораман. Хабарингиз бўлса, кўплаб мамлакатлар жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози асоратларидан ҳамон қутула олгани йўқ. Боз устига, Ер юзининг кўплаб худудларида об-ҳавонинг ноқулай келиши қишлоқ хўжалиги, шу жумладан, пахта етиштиришга ҳам салбий таъсир ўтказди. Ўзбекистонда эса бу каби иқтисодий ва табиий хатарлар таъсири сезилмаганини мамлакатингиз иқтисодиётидаги барқарорлик мисолида ҳам билиб олиш мумкин. Маъқул натижага эришишда, халқаро миқёсда кўп бор эътироф этилаётганидек, Президент Ислам Каримов раҳнамолигида ишлаб чиқилган тараққиётнинг "Ўзбек модели" муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда. Ўзбекистон жаҳонда пахта етиштириш бўйича олтинчи, уни экспорт қилиш бўйича учинчи ўринда туриши бунинг ёрқин далилидир.

Невил Френсис БАРНС, "BSC International" компанияси менежери (Англия): — Европада ўзбек толасининг кадр қиммати баланд. Бу мамлакатингизда пахтачилик тармоғини ривожлантиришга қаратилаётган эътибор, селекция ишлари, сифатли навлар яратиш йўлидаги ислохотлар ва, албатта, Ўзбекистоннинг ажойиб иқлими шарофатидир. Ўзбек пахтасининг "оқ олтин" деб аталишининг боиси ҳам шундан. Мана шундай хом ашёдан тайёрланган маҳсулот, табиийки, ўз эгасига катта даромад келтиради, миқдорларнинг ишончини оқлайди.

(Давоми 2-бетда).

МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

Гулистон гиламлари

СИРДАРЁ. Гулистонлик тадбиркор Нормурод Туробов ўзи ташкил қилган "Миташ-Карпет" корхонасида хориж технологияси ёрдамида бежирим гиламлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Айни пайтда 18 киши меҳнат қилаётган корхонада ойига ўртача 5,5 минг квадрат метр ҳажмда гилам маҳсулотлари тўқилиб, ички бозорга чиқарилмоқда. Маҳсулотлар сифати ҳамда бежиримлиги жиддий эътибор қаратилаётгани боис корхона гиламлари жаҳон бозорига ҳам хурсандмиз.

Қўркам тиббиёт мажмуаси

АНДИЖОН шаҳридаги Қўшарқ даҳасида замонавий тиббиёт мажмуаси фойдаланишга топширилди. Саломатлик институтининг вилоят филиали ҳамда қон қуйиш, ОИТСга қарши кураш ва тиббиёт ахборот-ресурс марказлари жойлашган ушбу мажмуа замонавий тиббий жиҳозлар билан тўла таъминланган. Маъқул мажмуани бунёд этиш учун бир ярим миллиард сўмлик маблағ сарфланди.

Қайта ишлаш яхшиланди

САМАРҚАНД. Нарпай туманидаги "Зирабулоқ пахта заводи" акциядорлик жамиятида лойиҳа қиймати 5,5 миллиард сўмлик кенг қўламли модернизация тадбирлари амалга оширилди. Пировардда бу ерда бир мавсумда 45 минг тоннагача пахта қайта ишлаш имконияти яратилди. Бу эса аввалги кўрсаткичдан 30 фоиз кўдир. Шу билан бирга, "оқ олтин" хом ашёсини қайта ишлаш сифати тубдан яхшиланди.

Қайта ишлаш яхшиланди. Самарқанд. Нарпай туманидаги "Зирабулоқ пахта заводи" акциядорлик жамиятида лойиҳа қиймати 5,5 миллиард сўмлик кенг қўламли модернизация тадбирлари амалга оширилди. Пировардда бу ерда бир мавсумда 45 минг тоннагача пахта қайта ишлаш имконияти яратилди. Бу эса аввалги кўрсаткичдан 30 фоиз кўдир. Шу билан бирга, "оқ олтин" хом ашёсини қайта ишлаш сифати тубдан яхшиланди.

ХУШХАБАР

Каноэда эшак эшиш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси етакчиси Вадим Меньков кетма-кет иккинчи бор "Дунёнинг энг кучли каноэчиси", деб эътироф этилди. Ёдингизда бўлса, ҳамюртимиз 2009 йили Канаданинг Дартмут шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионати дастуридаги 1000 метрга каноэда эшак эшиш баҳсларида 3.55,947 натижа қайд этиб, "Жаҳон чемпиони" деган шарафли номга сазовор бўлган. У ушбу муваффақият эвазига йил якунида "Дунёнинг энг кучли каноэчиси" сифатида тан олинди.

(Давоми 2-бетда).

(Давоми 2-бетда).

(Давоми 2-бетда).

(Давоми 2-бетда).

ЖАҲОН

24 соат ичида

Иш ўринлари қисқартирилади

Буюк Британиянинг "Lloyds Banking Group" банки мавжуд иш ўринлари сонини 4500 тага қисқартиришни маълум қилди.



Бу ҳақда "Sky News" телеканали хабар тарқатди. Молия муассасасининг ушбу қарори жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсири билан боғлиқ бўлиб, у мазкур даврда катта йўқотишларга учради.

Banking Group" фаолиятини яхшилаш мақсадида катта миқдорда маблағ ажратган бўлса-да, унинг фаолияти жонланмагани шармандалди ҳолдир.

Энг қадимий ўсимлик қолдиқлари

Аргентинада қуруқликда ўсган энг қадимий ўсимлик қолдиқлари топилди.

Анд тоғининг шимоли-ғарбида олиб борилган тадқиқотлар давомида аниқланган мазкур наботот олами нави тахминан 473 — 471 миллион ёшда эканлиги айtilмоқда.

Олдинроқ Саудия Арабистони ва Чехия худудларидан топилган энг қадимий ўсимлик қолдиқлари бундан 10 миллион ёшга кичикроқ эди.

Олтин нархи яна ошди

Жаҳон бозорида олтин баҳоси яна қимматлашди.

Нью-Йорк шаҳридаги "Comex" биржасида ўтказилган савдолар чоғида мазкур қимматбаҳо металлнинг бир унцияси қиймати 1,8 фоизга кўтарилган ва 1370,50 АҚШ долларига етган.



Экспертлар жорий йил бошидан буён олтин баҳоси 23 фоизга ошганини айтишмоқда. Бундай ҳолат 1920 йилдан бери қайт этилган экан.

Кунлик миқдор ўзгармайди

Австриянинг Вена шаҳрида Нефть экспорт қилувчи мамлакатлар ташкилоти(ОПЕК)нинг навбатдаги 157-сессияси бўлиб ўтди.



жорий йил март ойда ташкил этилган сессиясида ҳам бу миқдорга ўзгартириш киритилмаганди. Хозир дунё бозорида углеводород хом ашёсининг нархи экспорт қилувчилар учун мақбул даражада эканлиги (80 АҚШ долларидан тушмаяпти) эътиборга олиниб, ишлаб чиқариш ҳажми аввалги ҳолатда қолдирилди.

Ташкилотга аъзо 12 та давлатнинг нефть вазирилари иштирок этган анжуманда "қора олтин" қазиб олишнинг айна пайдаги аҳоли ва молиявий-иқтисодий инқироздан сўнг мазкур маҳсулот нархи ўзгариб бориши тахлил қилинди. Маълумки, 2009 йилнинг январь ойидан бошлаб кунлик нефть қазиб олиш ҳажми 24,84 миллион баррель қилиб белгиланган ва ОПЕКнинг

Маълумот сифатида айтиб ўтамиз, ташкилотга Жазаир, Ангола, Ироқ, Қатар, Кувайт, Ливия, Нигерия, БАА, Саудия Арабистони ва Экватор мамлакатлари аъзо. Жаҳон бўйича қазиб олинаётган нефтнинг 35 фоизи мазкур давлатлар ҳиссасига тўғри келади.

Ҳарбий қароргоҳда портлаш


Эрондаги ҳарбий қароргоҳда портлаш содир бўлди.

Бу ҳақда "Ассошиэтед пресс" ахборот агентлиги хабар тарқатди. Портлаш оқибатида 18 киши ҳаётдан кўз юмган, 14 киши тан жароҳати олган. Қароргоҳ командирининг сўзларига қараганда, ҳалок бўлган ва яраланганларнинг шахси ҳозирча тўлиқ аниқлангани йўқ. Шу боис жабрланганлар орасида тинч аҳоли вакиллари борлиги ҳам тахмин қилинмоқда. Портлаш ўқ-дори сақлаш омборида юзага келган ёнғин тўғрисида хабар берилган.

Кемалар тўқнашиб кетди

Шимолий денгизда кўнгилсиз воқеа содир бўлди.

Бу ерда Грецияга тегишли танкер Кипрнинг юк ташийдиган кемаси билан тўқнашиб кетган. Фалокат Нидерландия соҳиллари яқинида юз берган. Маълум қилинишича, танкерда авиация учун ишлатиладиган керосин ёниги бўлган.



Тўқнашув юз берган пайда танкерда 25 киши, юк кемасида 12 киши бўлган. Улардан ҳеч бири жабрланмаган.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Бугунги кунда турмушимизни алоқа воситаларисиз тасаввур қилиш қийин. Шу хизмат тўғрисида алоқа хизмати кундалик ҳаётимизнинг бир бўлагига айланган. Шу боис мамлакатимизда алоқа тизими сифатини яхшилаш масаласига энг муҳим устувор вазифалардан бири сифатида эътибор қаратилмоқда.

Алоқа тизими:

ИЗЧИЛ ЯНГИЛАНИШЛАР МЕВАСИ

Давлатимиз томонидан тизим фаолиятини такомиллаштириш ва ривожлантиришга бўлган эътибор тўғрисида "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси ва унинг жойлардаги филиалларида хизмат кўрсатиш сифати тўғрисида тўҳна берилди. Бугун уйимиздан туриб, дунёнинг ҳоҳлаган мамлакатига, хоҳлаган нуқтасига сим қоқиб, гаплашиш имкониятига эгамиз. Хусусан, "Ўзбектелеком" акциядорлик компаниясининг "Хоразм Телеком" филиали иш фаолиятида ҳам тизимда амалга оширилган кенг қўлмали ислохотларнинг самарасини яққол кузатиш мумкин.

Қайта реконструкция қилиш асосий вазифа сифатида белгиланган. Бугунги кунга келиб вилоят бўйича телефон станцияларини рақамлаштириш даражаси 87,5 фоизга етди. Соҳани технологик жиҳатдан янгилаш жараёнлари изчил давом эттирилмоқда. Биргина ўтган йилнинг ўзига "Хоразм Телеком" филиалига қарашли туман телекоммуникация боғланмаларида 23 та замонавий аналогли қишлоқ телефон станцияси реконструкция қилиниб, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган "Коинот ЭЛ-СГМ" русумли янги станцияларга алмаштирилди.

Навий "NEAX-61" русумли станциялар ишга туширилди.

Бу тадбирлар жорий йилда ҳам амалга оширилмоқда. Хитой давлати "Эксімбанк"и кредити ҳисобига Қўшқўл тумани марказий АТСи ва туманининг 3 та қишлоғида, шунинг-

тегишли дастурлар билан таъминланди. Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин.

Шунингдек, ўтган тўққиз ой давомида 331 миллион сўмликдан зиёд қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Магистраль ва тақсимлаш кабелининг техник ҳолатини яхшилаш, қудуқларни жорий таъмирлаш, тизим-

даги баъзи носозликларни бартараф этиш мақсадларига 21 миллион сўм сарфланди. Булар натижасида 512 та янги телефон ўрнатилди. Мобил алоқа тармоғи жуда кенгайиб бораётган, бу соҳада рақобат ниҳоятда кучайган ҳозирги шароитда тизимга илгор технологияларни изчилик билан жорий этишнинг аҳамияти катта. Шу мақсадда филиалнинг барча туман боғланмаларида "Ўзбек-телеком Мобайл" терминалларини сотиш йўлга қўйилди. Интернетни ривожлантириш учун жойларда юқори тезлики таъминловчи ускуналарни монтаж қилиш ишлари жадал олиб борилмоқда. Бунинг эвазига жорий йилнинг 9 ойи мобайнида 185 миллион сўмдан зиёд, шу қатори мижозларни қўшимча хизмат турларига улаш орқали 70 миллион сўм даромад олинди. Филиал қошида аҳолига алоқа хизмати кўрсатилган 36 та кичик тадбиркорлик субъекти ташкил этилгани ҳам тизимдаги янгиликларга яна бир мисол бўла олади.

Мухтасар қилиб айтганда, "Хоразм Телеком" филиали жамоаси алоқа тизимида амалга оширилаётган ислохотлар самараси ўлароқ, вилоят аҳолисига кўрсатилаётган хизмат турларини янада кўпайтириб, сифатини тобора яхшилашга эришмоқда. Бу эса уларни қўлга киритилган ютуқларни мустаҳкамлашга, янги марраларни эгаллашга ундайди, албатта.

Ойбек РАҲИМОВ. 1

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

умумий ўрта таълим мактаблари учун электрон ахборот-таълим ресурсларини яратиш бўйича танлов эълон қилади.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири 2010 йилда умумтаълим мактаблари учун қуйида кайд этилган электрон ахборот-таълим ресурсларини яратиш бўйича 4 та лотдан иборат бўлган умумий суммаси 48 080,0 минг сўмлик танлов савдоларини ўтказди.

Table with 4 columns: Lot numbers (1-4), Description of resources, Classification (8-9 grade), and Maximum amount (12,020,000 to 48,080,000).

Танлов электрон ахборот-таълим (электрон дарсликлар, мультимедияли электрон ахборот-таълим) ресурсларини арзон ва сифатли ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлган юридик шахслар, жумладан, кичик бизнес субъектлари — мулкчилик шаклидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган корхоналар иштирокида очик кўринишда ўтказилади.

Танлов ўтказиш жараёнлари ва тартиби ҳақидаги қўшимча маълумотларни олиш учун эълон chop этилган кундан бошлаб (шанба ва яшанбадан ташқари) ҳар кун соат 10.00 дан 17.00 га қадар қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

100159, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5-уй, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирилик Таълим-тарбия жараёнига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўлими, 4-қават, 420-хона. Телефон: (+998 71) 239-88-52. Факс: (+998 71) 239-13-21.

Танлов тақлифи ҳар бир лотнинг (таклиф этилаётган маҳсулот) максимал қийматининг 2 фоизи миқдориди закатлат пули билан кафолатланиши шарт. Закалат суммаси ҳар бир лот учун алоҳида тўлов топшириқномаси билан Халқ таълими вазириликнинг қуйида кайд этилган махсус рақамга ўтказилиши керак.

Махсус ҳисоб рақами: 20203000100101044002, АТИБ «Ипотека-банк»и «Меҳнат» филиали, МФО: 00423, СТИР: 201122808.

Танлов тақлифлари 2010 йил 22 октябрь соат 15.00 дан кечиктирилмаган ҳолда тақдим этилиши лозим.

ДАТ «Асака» банки (ОАЖ) Тошкент вилоти филиали

Тошкент вилоти, Зангиота тумани, «Эркин» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган, умумий майдони — 3,98 гектар, қурилш майдони — 5 582,61 кв.м.ли ер участкасида жами 11 та қуйидаги бино ва иншоотлар сотувга қўйилишини маълум қилади:

- 2 қаватли маъмурий бино — 471,04 кв.м.;
2 та қоровуҳона — 45,72 кв. м. ва 7,28 кв.м.;
молхона — 199,92 кв.м.;
2 қаватли ишлаб чиқариш комплекси — 2 679,04 кв.м.;
ишлаб чиқариш комплекси — 970,98 кв.м.;
2 та ёрдәмчи хўжалик биноси — 41,16 кв.м. ва 31,2 кв.м.

Мазкур бино ва иншоотларнинг бошланғич баҳоси — 3 809 980 000 (уч миллиард саккиз юз тўққиз миллион тўққиз юз саксон миң) сўм.

Маълумот учун телефонлар: (8-371) 120-74-11, 120-84-04, (+99894) 357-61-00.

SONATA advertisement featuring a car image and text: 'Ўз йўлингни танла! Drive your way'. Includes contact info for Hyundai: www.hyundai.com.uz, Tel. (8-371) 250-11-11.

L'Ambasciata d'Italia a Tashkent advertisement for an administrative assistant position. Includes details about the role, application process, and deadline (15/11/2010).

Ибрат advertisement for agricultural services in the Virchik region, offering services for various crops and irrigation.

«ЯНГИ АВЛОД» БОҒЛАРИ advertisement for a farm with 108 hectares of land, offering agricultural services and land management.

ТАШКИЛОТ advertisement for agricultural and engineering services, including hydroponics, irrigation, and land reclamation.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР advertisement for advertising space, including contact numbers and rates.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси хузуридаги Хусусийлаштириш, корпоратив бошқаруви ва қимматли қозғалар бозорини ривожлантириш муаммоларини тадқиқ этиш маркази advertisement.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси хузуридаги Хусусийлаштириш, корпоратив бошқаруви ва қимматли қозғалар бозорини ривожлантириш муаммоларини тадқиқ этиш маркази advertisement.

Газета ва газетхон:

ЮЗМА-ЮЗ



Маълум бир сабабларга кўра, олий ўқув юртида ўқишни давом эттири...

Ўқишни давом эттирмоқчимисиз?

Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 18 июндаги 118-сон қарори билан тасдиқланган...

Таълим кредити олишда имтиёз

Фарзандим болалиқдан ногирон. Пойтахтимиздаги олий таълим даргоҳларидан бирининг иккинчи курсида...

Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 26 июлдаги 318-сонли қарорига асосан тасдиқланган...



Масъулияти чекланган жамият шаклидаги қурилиш корхоналаридан бирига ишга кирган эдим...

МЕХНАТ ДАФТАРЧАСИНИ ТИКЛАШ ТАРТИБИ

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1998 йил 29 январда 402-сон билан давлат рўйхатидан ўтган...

Узоқни кўришга қийналаман. Оптика дўконига кириб, махсус аппаратда ўлчатиб кўрдим...

Демак, сизда кўз астигматизми мавжуд. Астигматизм миопия ёки гиперметропия рефракция аномалияларида учрайди...

Кўз астигматизми ва даво. 50 фоизи туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш...



Жигули русумидаги автомашинанинг карбюратори ишламай қолиб, устахонага олиб борганим...

Истеъмолчи ҳуқуқи — ҳимояда

Агар сиз устахона билан автомашинанинг таъмирлаш муддатини келишиб, шартлашган бўлсангиз...

Товон пули тўланади

Ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ меҳнат ҳақларини тўлаш...

Якка тартибдаги тадбиркорлар. Соғлиқни туфайли маълум вақтга фаолиятини тўхтатиб туришни муроккабми?

Тадбиркорлик ва фаолият мезони

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 373-моддасига мувофиқ, агар якка тартибдаги тадбиркор ўз фаолиятини муайян муддатга тўхтатса...

Якка тартибдаги тадбиркорнинг фаолияти вақтинчалик тўхтатилганлиги тўғрисидаги ариза бериш билан бир вақтда...

О. РУСТАМОВ, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси ўринбосари.

Фойдаланиш тақиқланади

Бозорларимизда автомобиллар учун антирадар сотилади. Уни ўрнатиш тақиқланганми ёки йўқми?

Бундай савол берилишининг ўзи нотўғри, деб ҳисоблаймиз. Чунки антирадар мосламаси ҳайдовчи томонидан содир этилган қондабузарликни яширишга хизмат қилади...

Яна саволларингиз борми, муҳтарам газетхон? Хатларингизни кутамиз!

Table with market prices for cement, steel, and other goods.

Advertisement for 'Халқ сўзи' newspaper, including contact information and subscription rates.